

ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ МАХСУС ЖИҲОЗЛАНГАН ТЕРГОВ ХОНАЛАРИДА ЎТКАЗИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Ойбек Алланазаров

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси доценти

Одилбек Жабборов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистри

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган тизимли ислоҳотлар натижасида жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилди.

Калит сўзлар: суд, тергов, ҳуқуқ, қонун, жиноят, гувоҳ.

КИРИШ

Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантикий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2898-сонли Қарорида жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида заруратга кўра айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш учун аудио- ва видео қайд этиш ускуналари билан жиҳозланган махсус хоналарни ташкил этиш бўйича масъул давлат органларига вазифалар кўйилди.

Ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 127-моддаси янги қисм билан тўлдирилиб, унга кўра таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсни таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этиладиган шароитларда ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ИИВ ҳузуридаги Тергов Департаменти ва унинг қуйи тизимидаги бўлинмаларининг бир қисмида махсус жиҳозланган тергов хоналари ташкил этилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Процесс иштирокчиларига нисбатан руҳий босим ўтказилишининг олдини олиш ва уларнинг хавфсизлигини

таъминлаш мақсадида улар иштирокидаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларининг айримларини юқорида қайд этилган шаклда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу турдаги таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш жойи ва шаклини белгилашда процесс иштирокчиларининг ёши, жинси, шахсига хос хусусиятлари ва процессуал мақоми инобатга олинishi зарур.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда иштирокчилар бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда амалга ошириладиган таниб олиш учун кўрсатиш айнан махсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказилиши қайд этилмаган. “Таниб олинувчининг таниб олувчини кўриб туриши истисно этадиган шароитлар” эса турлича бўлиши мумкин. Жумладан, Н.Қўшаев ва Ш.Файзиевлар таниб олиш учун кўрсатишни бундай шароитларда амалга ошириш учун бир томонлама кўринадиган ойна орқали, таниб олувчи турган жойни қоронғи ҳолатга келтириш ва таниб олинувчи турган жойнинг ёруғлик даражасини кучайтириш йўли билан амалга ошириш мумкинлигини баён этишган. Н.Н.Ильин эса, таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таниб олинувчининг ҳаракатлари акс этган видеотасвирдан фойдаланган ҳолда ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш таклифини илгари сурган.

Юқорида қайд этилган махсус жиҳозланган тергов хоналари бир томонлама кўринадиган ойна билан жиҳозланган бўлиб, у ерда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини унинг иштирокчилари бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган. Бундай хоналар ташкил этилмаган ҳудудлардаги тергов бўлинмаларида эса, таниб олувчи турган жойни қоронғи ҳолатга келтириш ва таниб олинувчи турган жойнинг ёруғлик даражасини кучайтириш йўли билан ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш процессуал тартибга зид бўлмайди.

Фикримизча, Н.Н.Ильин томонидан илгари сурилган видеотасвирдан фойдаланган ҳолда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказиш бир оз муаммоли масаласи ҳисобланади. Биринчидан, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини бу шаклда ўтказиш бўйича амалдаги қонунчиликда бирон-бир тартиб белгиланмаган. Иккинчидан, ушбу шаклда ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатишда таниб олинувчи шахснинг ўзи иштирок этмаганлиги сабабли уни иштирокчилар бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда ўтказиладиган таниб олиш сифатида баҳолаб бўлмайди. Шу сабабли таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини видеотасвирдан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас.

Таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини махсус жиҳозланган тергов хоналарида амалга оширишда ушбу тергов

ҳаракатини ўтказиш бўйича умумий тактик қоидаларга риоя қилиниши зарур. Бу борада Т.Б.Маматқулов, Ш.Х.Хасановлар шахсни таниб олиш учун кўрсатишда ҳаракатлар тактик жиҳатдан қуйидаги кетма-кетликда бажарилишини тавсия этишган: 1) холисларни таклиф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш; 2) статистларни таклиф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш; 3) таниб олинувчи шахсни таклиф этиш, унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ҳамда бошқа иштирокчилар орасидан исталган жойни танлаб олишни таклиф этиш; 4) таниб олувчини таклиф этиш, унга тергов ҳаракатининг мақсади ва тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, агарда у гувоҳ ёки жабрланувчи бўлса кўрсатув беришдан бош тортиш ёки билатуриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш; 5) таниб олувчига кўрсатилаётган шахсларни кузатиб, улар орасидан биронтасини таниши, агар таниса, қайси бирини ва қандай сабабларга кўра таниши ҳақида кўрсатув беришни таклиф этиш; 6) таниб олинган шахсга ўзининг фамилияси, исми-шарифини айтишини таклиф этиш; 7) таниб олувчи ва таниб олинган шахсдан бир-бирларига саволлари бор-йўқлиги ҳақида сўраш; 8) иштирокчилардан таниб олиш учун кўрсатиш жараёни бўйича фикрлари, қўшимча ва эътирозлари бор-йўқлигини сўраш; 9) тергов ҳаракати натижаларини баённомада қайд этиш.

Ушбу тергов ҳаракатини махсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказишда мазкур ҳаракатларнинг барчаси амалга оширилади. Бироқ улар бошқачароқ тартибда ва кетма-кетликда бажарилади. Жумладан,

- тергов ҳаракати иккита хонада амалга оширилади (таниб олувчи ва холислар бир хонада, таниб олинувчи ва статистлар бошқа хонада бўлишади);
- иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир вақтда ва бир жойда эмас, кетма-кетлик билан турли жойларда тушунтирилади;
- тергов ҳаракати натижаларини видеоёзувга қайд этиш ҳар иккала хонада алоҳида техник воситалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда ҳал қилиниши лозим бўлган тактик хусусиятга эга бўлган вазифалардан яна бири – таниб олувчи ва таниб олинувчиларнинг тергов ҳаракати бошлангунига қадар бир-бирлари билан кўришиб қолишларига йўл қўймаслик чораларини кўришдир. Бу борада М.А.Асташов таниб олувчи шахс таниб олинувчи билан учрашиб қолишининг олдини олиш мақсадида, уларнинг тергов ҳаракати бошлангунига қадар бўлган вақтдаги жойлашувини тўғри танлаш лозимлигини баён қилган. Бунинг учун дастлаб ушбу иштирокчиларни тергов ҳаракатлари ўтказиладиган бинога турли вақтларда чақиртириш, тергов ҳаракати бошланганидан кейин таниб олувчини хонага

чақиртиришда ёрдамчи ходимлар ва техник воситалардан фойдаланиш каби вазифаларнинг тўғри ҳал этилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Махсус жиҳозланган тергов хоналарида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишда иштирокчилар кетма-кетлик билан хоналарга таклиф этилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши зарур. Ушбу ҳаракатлар дастлаб таниб олинувчи ва статистлар жойлашадиган хонада амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Таниб олинувчига ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганидан кейин унга статистлар орасидан ўзи истаган жойни эгаллаш имконияти яратилади. Терговчининг кейинги ҳаракатлари иккинчи хонага таниб олувчини таклиф этиш ва унга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиришдан иборат бўлади.

Ушбу жараёнларда холисларнинг иштироки ва уларнинг жойлашиш ўрни масаласида олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилган.

Жумладан, айрим муаллифлар ушбу жараёнда тўрт нафар холислар иштирокини таъминлаш, уларнинг иккитаси таниб олинувчи ва статистлар ёнида, қолган иккитаси эса таниб олинувчи жойлашган хонада бўлиши зарурлигини таъкидлашган. В.Ю.Голубовский, Н.Н.Гусевалар ушбу фикрни маъқулламасдан, таниб олувчининг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан тергов ҳаракатида холисларнинг сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ эмаслигини баён этишган.

ЎзР ЖПКнинг 127-моддасида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини таниб олувчи ва таниб олинувчи бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда ўтказишда холислар таниб олувчи жойлашган хонада бўлиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, ЖПКнинг 352-моддасида қайд этилишича, бир тергов ҳаракатини бир неча терговчи ёки суриштирувчилар бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ўтказиётган ҳолларда, ҳар бир терговчи ва суриштирувчи ҳузурида доимо камида икки нафар холис иштирок этиши лозим.

Махсус жиҳозланган тергов хоналарида таниб олиш учун кўрсатиш жараёнидаги ҳаракатлар турли хоналарда бажарилса-да, бир пайтнинг ўзида эмас, балки кетма-кетликда турли вақтларда амалга оширилади. Шунга кўра, холислар хоналарнинг ҳар бирида бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қонун талаби ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнига тааллуқли эмас деган фикрдамиз. Шунингдек, махсус жиҳозланган хоналарда ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатиш жараёнида тўрт нафар холислар тергов ҳаракатининг ҳар томонлама, тўла ва холисона ўтказилишига хизмат қилса-да, ташкилий жиҳатдан ноқулайликларни юзага келтириши мумкин.

Шу сабабли тергов ҳаракатини ушбу шаклда ўтказишда холислар дастлаб таниб олинувчи ва статистлар жойлашган

хонада бўлиши, тергов ҳаракатининг ушбу иштирокчилар боғлиқ қисмида тўлиқ иштирок этганидан сўнг терговчи билан биргаликда таниб олувчи таклиф этиладиган хонага бориши ҳамда тергов ҳаракатининг кейинги барча жараёнларида қатнашиши мақсадга мувофиқ.

Баъзи муаллифлар махсус жиҳозланган тергов хоналарида ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатида холислар иштирокини бошқа муқобил чорага ўзгартириш таклифини илгари суришган. Жумладан, О.В.Поликашина, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатида холисларнинг иштирокидан бутунлай воз кечиш вақти келганлигини билдирган. Ю.В.Малахова эса, холислар иштирокидан воз кечишни ҳамда унинг ўрнига видеоёзув орқали жараён қайд этилишини тавсия этган.

Амалдаги ЖПКнинг 352-моддасига кўра, таниб олиш учун кўрсатиш холислар иштирок этиши шарт бўлган тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади ва уларнинг иштирокини истисно этувчи алоҳида ҳолатлар назарда тутилмаган. Фикримизча, қонунчиликда холислар институтининг белгиланишидан кўзланган асосий мақсад процессуал ҳаракатларнинг холисона ўтказилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ўтказилган тергов ҳаракатлари бўйича кейинчалик билдирилган шикоятлар ва юзага келиши мумкин бўлган бошқа зиддиятли масалаларни ҳал қилишда айнан улардан объектив маълумотлар олиниши кўзланган. Бироқ бугунги кунда фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигини олдини олиш мақсадида, ушбу вазифаларни техник воситалар имкониятларидан оқилона фойдаланиш орқали ҳал этиш мумкин.

Бу борада О.В.Поликашина ва Ю.В.Малаховаларнинг таниб олиш учун кўрсатишда холислар иштироки масаласи бўйича таклифлари асосли бўлиб, махсус жиҳозланган хоналарда ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатишда жараён видеоёзув орқали қайд этилган ҳолатларда холислар иштирокидан воз кечилиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, махсус жиҳозланган хоналарда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш масалаларида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Махсус жиҳозланган тергов хоналари ташкил этилмаган ҳудудлардаги тергов бўлинмаларида таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини таниб олувчи турган жойни қоронғи ҳолатга келтириш ва таниб олинувчи турган жойнинг ёруғлик

даражасини кучайтириш йўли билан амалга ошириш мумкин.

2. Таниб олувчи ва таниб олинувчиларнинг тергов ҳаракати бошлангунига қадар бир-бирлари билан кўришиб қолишларига йўл қўймаслик мақсадида иштирокчиларни тергов ҳаракатлари ўтказиладиган бинога турли вақтларда чақиртириш, уларни хонага чақиртиришда ёрдамчи ходимлар ёки техник воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Таниб олувчи ва таниб олинувчи бир-бирини кўриб туришини истисно этадиган шароитларда таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатини ўтказишда холислар ҳар иккала хонада амалга ошириладиган процессуал жараёнларда қатнашиши шарт.

4. Махсус жиҳозланган хоналарда ўтказиладиган таниб олиш учун кўрсатишда жараён видеоёзув орқали қайд этилган ҳолатларда холислар иштирокидан воз кечилиши бўйича қоидалар қонунчиликка киртилиши мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // URL: <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 20.12.2017).
2. Қўшаев Н.М., Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида ўтказиладиган тергов ҳаракатлари. Ўқув қўлланма /ю.ф.н. доц. З.Ф.Иноғомжонованинг таҳрири остида. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. Б. 53-54.
3. Ильин Н.Н. Предъявление лица для опознания по видеоизображениям: тактические особенности// Вестник Воронежского института МВД России. 2013. № 2. С. 75- 76.
4. Маматқулов Т. Б., Хасанов Ш. Х. Криминалистика: Чизмалар альбоми. – Т., 2005. – Б. 90.
5. Кузнецов С.Е. Применение видеозаписи при производстве предъявления для опознания // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2017. № 1 (39). С. 109.
6. Асташов М.А. Тактические особенности предъявления для опознания живых лиц // Территория науки. 2015. № 2. С. 156-157.
7. Баранов В. М., Белозерова И. И., Зинковский С. Б., Горбатенко О. Г., Кучерков И. А. Виды предъявления для опознания. нужны ли изменения в УПК РФ // Проблемы экономики и юридической практики. 2017. № 4. С. 129.

8. Голубовский В.Ю., Гусева Н.Н. Производство опознания в условиях, исключающих визуальное наблюдение, как средство обеспечения процессуальной безопасности лица, заключившего досудебное соглашение о сотрудничестве // Известия Российского государственного педагогического университета имени А.И.Герцена. - СПб., 2015. - №174. - С. 90-94.
9. Поликашина О.В. Понятие при предъявлении личности для опознания с участием несовершеннолетних. // Наука и Школа: Общероссийский научно-педагогический журнал 2015. № 6. С. 14-17.
10. Малахова Ю.В. Обеспечение безопасности несовершеннолетних потерпевших и свидетелей при производстве отдельных следственных действий // Вестник Тамбовского университета. Серия: Гуманитарные науки. 2011. № 4(96). С. 325-326.

